


Мавзу: ЭТИКАНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИЙ ТУШУНЧАЛАРИ


Режа:

1. Муҳаббат этиканинг энг қамровли мезоний тушунчаси сифатида.
2. Эзгулик мезоний тушунчаси. Яхшилик ва ёмонлик, адолат, бурч, виждон тушунчалари ва уларнинг мазмуни.
3. Бахт, ҳаётнинг маъноси, ахлоқий идеал тушунчалари. Ахлоқ тушунчаларининг ижтимоий ҳаётни билиш, ўрганиш ва баҳолашдаги ўрни ва роли.

- 
- МУХАББАТ бош мезоний тушунча сифатида деярли барча асосий тушунчаларда ва тамойилларда ўз «ҳисса»сига эга. На эзгуликни, на яхшилиқни, на ватапарварликни, на инсонпарварликни МУХАББАТСИЗ тасаввур этиб бўлмайди.
 - МУХАББАТ – инсонни ташқи ва тарнсцендентраль олам билан боғловчи, уни ёлғизликдан олиб чиқадиган буюк куч.

Мухаббатнинг объекти доимо гўзаллик, манфаатсиз гўзаллик.

У – Оллоҳми, Ватанми, ёрми –
муҳаббат эгасига ундан-да
гўзалроқ нарса йўқ. Айни пайтда
бир объектни севган киши бошқа
объектларни ҳам севмаслиги
мумкин эмас. Дейлик, ёрга бўлган
ҳақиқий муҳаббат Ватанга,
инсониятга муҳаббатни инкор
этмайди, аксинча, барқарор
қилади.




Муҳаббат – олий туйғу, шу маънода у олий тушунча.

- МУХАББАТ инсон ахлоқий
хаётининг чўққиси, комиллик
белгисидир. Шу боис ҳақиқий
муҳаббат эгалари ёшлар
томонидан доимо ахлоқий
идеал тарзида қабул қилинади.
Масалан: Фарҳод ва Ширин,
Ромео ва Жульетта, Отабек ва
Кумуш ва ҳакозо.

Муҳаббатнинг зидди – нафрат.

Нафрат тушунчаси, муҳаббат
сингари кенг қамровли эмас.
Ҳазар, жирканч ҳисси нафратнинг
кундалик турмушидаги тор,
«майда» кўринишидир.

Нафрат кишида ёқимсиз таассурот
уйғотса-да, аслида у асосан иллат
эмас, ахлоқий фазилат сифатида
инсоннинг виждонлилигидан,
ботиний жасоратидан далолатдир.



Этиканинг мезоний тушунчаларидан яна бир жуфтлик ЭЗГУЛИК ВА ЁВУЗЛИК.

Эзгулик – инсон шахсининг
комилликка, бахтга, жамиятни эса
юксак тараққиётга етказувчи
воситадир. У инсоннинг ахлоқий
фаолияти туфайли муайянлашади,
юзага чиқади.

Эзгулик ва унинг зидди ёвузлик одатий,
кундалик ҳаёт мезонлари билан
ўлчанмайди, улар ҳам муҳаббат
сингари қамровли ва ижтимоийлик
хусусиятига эга.

Этиканинг яна бир қамровли мезоний тушунчаси-АДОЛАТ.


- АДОЛАТ - баҳолаш мақомига эга.
- АДОЛАТда жамиятни тартибга солувчилик хусусияти бор; унда ҳам ахлоқий, ҳам ҳуқуқий талаблар мужассамлашган. Уни маълум маънода миқдор ўлчовчи ҳам дейиш мумкин.
- АДОЛАТ бор жойда ижтимоий жабрга, бебошликка йўл йўқ.

Этиканинг ниҳоятда таъсир доираси кенг тушунчаларидан бири ВИЖДОН.

- ВИЖДОН – Зигмунд Фройд таъбири билан айтганда, ало мен, мен устидан назорат ўрнатиб, уни бошқариб турувчи иккинчи, юқори даражадаги мен.
- ВИЖДОН АЗОБИ, бу оддий ўнғайсизлик эмас, балки қалбдаги, одамдаги одамийликка эътиқоднинг фарёди, талаби, уни кўнгилдан чиқариб ташламас экансиз, ҳеч қачон азоб тўхтамайди.

Кутинча виждон тушунчаси ўрнида иймон иборасини учратиш мумкин

- Иймон аслида диний тушунча. Лекин ҳаётда виждон тушунчасининг синоними тарзида ишлатилади.
- Виждонли одамларгина ҳақиқий эркин, демократик фуқоролик жамиятини ярата оладилар. Зеро виждон, энг аввало, ўзгаларга нисбатан бурч ва масъулиятни тақозо этади.




Яна бир муҳим мезоний тушунча – бурч.

- Бурч, моҳиятан, жамият, давлат ва шахсларга нисбатан муайян индивиддаги муносабат, улар олдидаги мажбурият.
- Ҳаётда инсоннинг ҳар бир хатти-ҳаракати замирида БУРЧ тушунчаси – БУРЧга садоқат ёки хиёнат ётади.
- Баъзан БУРЧ туфайли одамлар ўз севгисидан, жон-дилидан севган кишисидан кечишга ҳам мажбур бўладилар


Мезоний тушунчалардан яна бири – НОМУС

- НОМУС моҳиятан шахснинг ўз қадр-қимматиани англаб етиши, шу қадр-қимматнинг жамият томонидан тан олиниси ёки олинмаслига муносабати билан белгиланади.
- Номус йўлида инсон ҳатто ўз ҳаётидан кечиши мумкин, одамлар ўз номуси, оила номуси, миллат номуси деб курашадилар.



Идеал, бахт, ҳаётнинг маъноси,
сингари тушунчалар ўз ечимини
талаб қилиши билан, яъни
муаммолик хусусияти билан ажралиб
туради.


- Бахт – инсоннинг ўз ҳаётидан олий даражадаги қониқиш ҳиссини акс эттирувчи тушунчадир.



Бахт категориясини таҳлил қилиш учун,
аввало, унинг объектив ва субъектив
томонларини кўриб чиқмоқ керак.

- Бахтнинг объектив томони ахлоқий мақсад билан белгиланади ва объектив мазмун бўлмаса кишилар унга эришиш учун фаолиятларида ҳеч қачон ўз ҳаракатларини мувофиқлаштира олмайдилар.
- Бахтнинг субъектив томони шундан иборатки, бахтга эришишнинг реал шарт-шароитлари кишиларнинг онгида ва ҳатти-ҳаракатида акс этади, ҳар бир киши учун унинг ижтимоий аҳволи, ёши, шахсий майллари, мақсад сари интилиши, иродавий, руҳий, маиший ва бошқа ҳолатларига қараб турлича тарзда намоён бўлади.

- **Ҳаётнинг маъноси** — инсон ҳаёт фаолиятининг йўналтирилганлигида ва унинг томонидан яратилган ахлоқий қадриятларда намоён бўлади.
- **Ҳаётнинг маъноси муаммоси** — инсон ҳаётӣ фаолиятининг йўналиши асосида белгилаб олинадиган вазифага оид масала бўлганлиги учун қандай яшамоқ керак?, деган саволга жавоб қилиш ҳар бир кишининг ҳаётига дахлдордир.

- 
- Маълум мақсадга қаратилмаган фаолият ўзининг ҳақиқий маъносига эга эмасдир. Лекин, мақсадга эга бўлмоқликнинг ўзигина етарли эмас, балки, ушбу мақсадни амалга ошира билиш учун фаол ҳаракат, интилиш унинг энг муҳим томонидир.
 - Ҳаётнинг маъноси — инсоннинг бутун ҳаётий фаолиятида аниқ мақсадларни белгилаб берадиган бош йўналиш бўлиб ҳисобланади.
 - Инсоннинг ўз истиқболи учун қўядиган мақсадлари қанчалик олийжаноб бўлса, ҳаётнинг маъноси ҳам шунча теранроқ бўлади.